



КУЧ — АДОЛАТДА

2012 йил,
7 сентябрь,
жума
№ 34-35 (392)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси

http://www.oliysud.uz

1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Мамлакатимизда халқимиз орзиқиб кутган Истиқлолнинг муборак йигирма бир йиллиги катта тантаналар билан кутиб олинди. Элининг бу муборак тўйи нафақат пойтахтимиз, айти пайтда вилоятлар, туман, шаҳар ва қишлоқларда, ҳар бир хонадонда бирдек шоду хуррамлик билан нишонланди. Ҳар қачонгидан ҳам шукуҳди ўтган айём ҳали-ҳамон катта-ю кичикнинг кўнглида давом этаётган, десак муболага бўлмайди. Зеро, мустақиллик халқимизнинг асрий орзуси, юртимизда яшайётган ҳар қайси инсон учун эркинлик ва озодлик тимсоли, энг улуғ ва энг азиз айёмдир.



ОЗОД ВАТАННИНГ ОБОД МАНЗИЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган байрам тантаналари шу йил 31 август куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтди. Унда ишлрок этган Президент Ислам Каримов мустақиллигимизнинг йигирма бир йиллиги билан бутун халқимизни муборакбод этди.

Давлатимиз раҳбари табрик сўзида қайд этганидек, «Бугун биз

мамлакатимиз ҳаётидаги унутилмас тарихий воқеа — Ўзбекистонимиз мустақилликка эришган куннинг йигирма бир йиллигини нишонламоқдамиз. Ана шу буюк сана билан, халқимиз асрлар давомида интилиб, орзиқиб кутган, ҳақиқатан ҳам, барчамиз учун энг улуғ, энг азиз байрам бўлмиш, Ўзбекистоннинг Мустақиллик куни билан сиз азизларни, сизларнинг тимсолингада бутун

халқимизни чин қалбимдан табриклаш мен учун катта бахтдир. Мен ишонаман — асрлар, замонлар ўтар. Аммо барчамизга ўзлгимизни англаш, инсоний шаънимизни, кадр-қимматимизни, ўз юртимизга эгаллик қилиш ҳуқуқини, тилимиз, муқаддас динимизни, қадриятларимиз, урф-одатларимизни қайтариб берган бу улуғ айём Ватанимиз тарихи-

да олтин саҳифа бўлиб, абадий сақланиб қолажак». Айтиш жоизки, бундан йигирма бир йил олдин мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат, эркин фуқаролик жамияти қуриш, ҳаётимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этиш, халқимиз манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган сиёсатни амалга ошириш бўйича танлаган йўлимиз ягона тўғри қарор эканини бугун ҳаётнинг

ўзи яққол тасдиқламоқда. Бугун мамлакатимизда кенг қулоқ ёйган бунёдкорлик ишлари юртимизнинг ҳамма ҳудудларини, ҳар бир шаҳар ва қишлоқни қамраб олган. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб фойдаланиш-га топширилган иншоотлар ҳам халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг яна бир улкан намоиши бўлди. (Давоми иккинчи бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий суди таркибига ўзгаришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**
1. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин: **Файзулла Хасанович Атабаев**, **Азамат Хожамуратович Баймуратов**, **Раъно Норбоевна Камалова**, **Мухаматали Азимович Назаров**, **Турабек Турсунбекович Раҳманов**, **Зуфар Султонович Усмонов**.
2. **Рустам Убайдуллаевич Абдуллаев** бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.
3. Ушбу Қарор қабул қилинган кундан эътиборан қуч-га қиради.
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси **И.СОБИРОВ**
Тошкент шаҳри,
2012 йил 31 август

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ соҳаси тубдан ислоҳ этилиб, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устунига асосланган ҳуқуқий тизим яратилди. Хусусан, суд ҳокимияти том маънодаги мустақил давлат институти сифатида шаклланди. Бугунги кунда судлар ҳуқуқ ва қонун билан қуриқланадиган манфаатларимиз ҳимоясини таъминлашда изчил фаолият юритмоқда.

Ниҳуқий маърифат

Суд баённомаси

уни юритиш тартиби ҳақида



Маълумки, Фуқаролик процессуал кодекснинг 20-моддасига биноан, фуқаролик суд ишларини юритиш жараёнида ҳар бир суд мажлиси ва суд мажлисидан ташқари амалга оширилган бошқа процессуал ҳаракатлар тўғрисида баённома юри-

Fuqarolik qonunchiligi

Уй-жойнинг ижара шартномаси

уни тузишда нималарга эътибор бериш керак?


Айтиш керакки, фуқаролик муносабатларида мулкдорнинг ўз мулкни бошқа шахсларга ижарага бериш билан боғлиқ қилишлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бундай муносабатларда, яъни уй-жойни бошқа шахсларга беришда асосий юридик ҳужжат уй-жойнинг ижара шартномаси ҳисобланади.
Фуқаролик кодексининг 600-моддасига кўра, уй-жойни ижарага бериш шартномасига биноан бир тараф — уй-жойнинг мулкдори ёки у ваколат берган шахс (ижарага берувчи) бошқа тараф (ижарага олувчи)га уй-жойда яшаш учун уни ҳақ эвазига эгаллик қилиш ва фойдаланишга топшириш мажбуриятини олади.
Ушбу кодекснинг 602-моддасида уй-жойни ижарага бериш шартномасининг объекти кўрсатилган. Бунда доимий яшаш учун яроқли бўлган алоҳида уй-жой (квартира, уй, квартиранинг ёки унинг бир қисми) уй-жойни ижарага бериш шартномасининг объекти бўлиши мумкин.
Уй-жойни ижарага бериш шартномаси ёзма шаклда тузилади. Фуқаролар ўртасида тузилган уй-жойнинг ижара шартномаси нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Уй-жойни ижарага бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилади. Агар шартномада муддат кўрсатилмаган бўлса, у беш йилга тузилган ҳисобланади. (Давоми иккинчи бетда)

Ниҳуқ ва мажбурият

Гаровнинг мазмун-моҳияти

шартномадан кўзланган мақсадга эришишдан иборат

Бозор иқтисодиёти шароитида гаров институти фуқаролик муносабатларида, жумладан, тадбиркорлик фаолияти ривожига алоҳида ўрин тутади. Чунки тадбиркорлик субъектлари олаётган кредитлар таъминоти орасида гаров институти етакчи ўринни эгаллайди. Гаров билан боғлиқ муносабатлар Фуқаролик кодекси, «Гаров тўғрисида»ги ва «Ипотека тўғрисида»ги қонунлар билан тартибга солинади. (Давоми учинчи бетда)



Faoliyat

Ижро ҳужжати

фуқароларнинг қонуний манфаатини таъминлашга хизмат қилади

Суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида мамлакатимизда алоҳида ижро тизими шаклланди. Бу суд қарорлари ва бошқа органлар ҳужжатларини самарали ижро этишга замин яратди. Айти пайтда у фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ўз вақтида таъминланишига хизмат қилмоқда. (Давоми иккинчи бетда)

Бу дунёда ҳар бир халқ ва элат келажак сари одимлар экан, ўз олдиға муайян мақсадларни қўяди. Иқтисодий-ижтимоий, сиёсий, маънавий-маърифий жиҳатдан ривожланиш, халқнинг турмуш тарзини юксалтириш, фаровон келажакни яратиш каби вазифалар шулар жумласидандир. Бунинг учун, энг аввало, ўз тараққиёт йўлини тўғри белгилай олиш ва ана шу йўлдан оғинмай, қатъият билан илгарилаш зарур. Бугун қурраи заминда икки юзга яқин давлат мавжуд бўлса, улар орасида ривожланган мамлакатлар бармоқ билан санарли.

Faxr

Дориламон кунлар шукуҳи

Шу маънода, мустақилликни қўлга киритганига эндиғина йигирма бир йил тўлган Ватанимизга дунё аҳли ҳавас билан қарамокда. Боиси, кўҳна тарих учун жуда қисқа фурсат ҳисобланган мана шу даврда барча соҳаларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар самараси туйғулган дунёнинг энг илғор демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгалламоқдамиз. Диёримиздаги тинч ва тотув, фаровон ҳаётни таъминлаш йўлидаги бунёдкорона меҳнат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолатлари, энг асосийси, танлаган йўлимиздан оғинмай, қатъият билан дадил одимлаётганимиз эришайётган салмоқли ютуқ ва муваффақиятларимиз гарови бўлмоқда.
Қувонарлиси, онгу тафаккуримизда ҳам мутлақо янгича дунёқарашни шакллантирган истиқлолнинг буюк моҳияти ва аҳамиятини, мустақиллик аталмиш улуғ неъматнинг ҳаётимизда тутган ўрни ва қадрини юртдошларимиз бугун янада теран идрок этмоқдалар. (Давоми учинчи бетда)

Bag'rikenglik tamoyillari

Жазо тайинлаш асослари

қонунда аниқ белгилаб қўйилган

Маълумки, ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий белгиларидан бири қонун устуворлиги саналади. Бинобарин, шахс, давлат ва жамиятнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси қонун билан кафолатланади. Шу билан бирга, жиноий хатти-ҳаракатларга йўл қўйилган, давлат, жамият, шахс манфаатларига зиён етказилган ҳолларда ҳам қонунга биноан жазо тайинланади. Қонунчилигимизда жазо чоралари, уни тайинлаш асослари тўлиқ ўз ифодасини топган. (Давоми иккинчи бетда)

